

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЮКСАЛИШНИ – ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ МАЪРИФАТИ, СИЁСИЙ–ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИ ДАРАЖАСИГА АЛОҚАДОРЛИГИ

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич

Тошкент давлат транспорт университети Профессор в. б.

Очилов Озабек Нодир ўгли

Тошкент давлат транспорт университети Талаба.

Орипов Хусанбой Баёржон ўгли

Тошкент давлат транспорт университети Талаба.

Аннотация. Мақолада Макиавелийнинг жамият ва ундаги ижтимоий муносабатлар, тенгсизлик ва нотинчлик ҳақидаги мулоҳазалари, шунингдек, Европадаги кишилиқ жамиятидаги мазкур муаммо борасидаги фикрлар ҳамда ўтмиш замоннинг барча даврларида яшаган кўп алломалар бу масалага жиддий равишда ёндашишганликлари ва жамият осойишталигини сақлаб, келгусида барқарор ривожланишини таъминлайдиган муҳим омил сифатида қарашгани таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жамият, тенглик, имтиёзлар, тенгсизлик, қонунлар, урф - одатлар.

Аннотация. В статье размышления Макиавелий об обществе и общественных отношениях, неравенстве и волнениях, а также его размышления об этой проблеме в личном обществе в Европе, а также то, что многие ученые, жившие во все периоды прошлого, относились к этому вопросу серьезно и рассматривал его как важный фактор, обеспечивающий стабильное развитие общества в будущем.

Ключевые слова: общество, равенство, привилегии, неравенство, законы, традиции.

Кириш. Никколо Макиавеллининг ижтимоий муносабатлар доирасидаги динга бўлган қарашлари ўта кескин бўлган. Унинг таъкидлашича, «христианликнинг ахлоқий қадриятларини амалда ҳаётга татбиқ этиш мумкин эмас, чунки олий саодатни итоатда, дунёвийликка нафрат билан қарашда, ҳаётдан юз ўгиришда деб билган черков ахлоқи одамларни кучсиз ва забун қилиб, аблаҳлар қурбонига айлантиради»¹. Макиавеллининг ушбу фикрларини ўқир эканмиз, баъзиларда Макиавелли динга қарши бўлган, ҳаттоки, даҳрий бўлган деган мазмундаги хулосалар ҳам пайдо бўлган бўлиши мумкиндир. Аммо, бу бирламчи нотўғри хулоса ҳисобланади. Аслида Макиавеллининг фикрлари диннинг ўзига йўналтирилмаган. Балки, у динни, тўғрироғи христианликнинг ахлоқий қадриятларини жамият ҳаётига татбиқ этилишига, яна ҳам аниқроқ қилиб

¹ Manba: kh-davron.uz. 31.03.2020. Санасида мурожаат қилинган.

айтганда жамиятда кечадиган барча ижтимоий муносабатларнинг² асосига христианликнинг ахлоқий қадриятларини қўйилишига қарши қаратилган. Чунки Макиавелли яшаган даврда европанинг аксарият давлатларида ана шундай тартиб-қоида ўрнатилган эди. Яъни, диннинг ахлоқий қадриятлари жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, маърифий каби барча соҳаларининг фаолият тарзини белгилаб берган.

Муҳокама ва натижалар. Жамиятнинг қонуни ҳам, қоидаси ҳам, тартиб-интизоми ҳам ана шу диний ахлоқий қадриятлар бўлган ёки унинг асосида шакллантирилган. Бу диннинг эмас, балки биз юқорида таъкидлаганимиздек, диндан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган ва динни жамият ҳаётига нисбатан нотўғри татбиқ этган рухонийларнинг камчилиги ҳисобланади.

Энди Макиавеллининг шу кунгача баҳс-мунозарага сабабчи бўлиб келаётган сал аввалроқ, иқтибосда келтирганимиздек, «кучли, марказлашган миллий давлат тузиш йўлида мамлакатни бирлаштирувчи, халқ сайлаган ислохотчи подшонинг барча воситалардан фойдаланиши, агар натижа кўнгилдагидек бўлса, барча воситаларни, гарчи улар ноахлоқий бўлса-да, оқлаш мумкин», яъни қисқа қилиб айтганда ўша маълум ва машҳур «Мақсад воситани оқлайди»³ деган мулоҳазасига тўхталиб ўтсак. Мазкур мулоҳаза ўртага ташлангандан буён, унга нисбатан кўплаб муносабатлар билдирилган ва билдирилмоқда. Бу муносабатларнинг ичида ҳар хил фикрлар бор. Бир хиллар бу ғояни маъқулласалар, бошқалар унга қарши чиқадилар. Хўш, Макиавелли бу мулоҳазаси билан ўзи нима демоқчи бўлган? Бунда Макиавелли давлат бошлиғи ўз мамлакатининг тараққиёти, халқининг тинчлик-осойишталиги, фаровонлиги учун бор имкониятларини ишга солиши, умумхалқ манфаати учун барча воситаларни ишга солишини назарда тутган, гарчи бунда бу воситаларнинг бир хиллари ноахлоқий бўлиб, ўша халқни баъзи вакилларига, шунингдек, бошқа мамлакатлар халқларига нисбатан зулм ва жабр-ситам етказса ҳам. Танганинг икки томони бўлганидек, Макиавеллининг ушбу мулоҳазасини ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор. Ижобий томони шундаки, ҳукмдорнинг ўз юртини равнақи ва халқининг фаровонлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишидир. Шунинг унутмаслик, лозимки, мамлакат қачон ривожланади, қачонки аввало ўша давлатнинг бошлиғи шунинг истаса ва шу йўлда тинимсиз изланишлар олиб борса. Шунингдек, давлат бошлиғининг ўз халқини, ўз юртини яхши кўриши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, ўз халқи ва ўз юртига меҳр-муҳаббатли бўлган ҳукмдор доимо ўз ватанининг келажаги ва ватандошларига муносиб ҳаёт яратиш беришни ўйлаб яшайди⁴.

² Салимов Б.Л. Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимостей // Colloquium-journal. –v 2020. -№24 (76). Część 2. -С. 33-35.

³ Manba: kh-davron.uz. 31.03.2020. Санасида мурожаат қилинган.

⁴ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

Айни пайтда давлатимиз рахбари бўлган Шавкат Мирзиёевни ҳам Ўзбекистонга ва Ўзбекистон халқига чексиз меҳр-муҳаббати бор десак, адашмаган бўламиз. Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган муддат ичида амалга оширган ва ошираётган ишлари яққол исбот этади. Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий муносабатларни яхшилаш учун иш бошлаган биринчи кунларданок бу ҳолат яққол кўринди. Бу Ўзбекистон Республикасини Президентининг виртуал қабулхонаси ва туманлар, вилоятлар кесимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналарини ташкил этилганлигидир. Бу қабулхоналарнинг ташкил этишдан мақсад халқга енгилликлар яратиш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни эшитиш ва ҳал этишдан иборатдир. Нафақат виртуал ва халқ қабулхоналари, балки бошқа барча давлат ташкилотлари одамларнинг мурожаатларини қабул қилиши, қисқа муддатларда уларни кўриб чиқиши белгилаб қўйилди. Президентимиз, «давлат идоралари халқ хизматкори бўлиши керак» деган шиорни ўртага ташлади ва унга ҳаммани амал қилишларини талаб этди. Халқимизга муносиб турмуш тарзини яратиб бериш учун қилинаётган яна бошқа кўплаб ишлар амалга оширилмоқдаки, уларни санаб адоғига етиб бўлмайди⁵. Буларни ҳаммаси бир нарсани англатади, бизларни бахтимизга, халқини, ватанини яхши кўрган инсоннинг бизларга раҳбарлик қилаётганлигини англатади. Буни, албатта, шукронасини қилиш керак⁶.

Бу ўринда шу нарсани унутмаслик лозимки, ўз ватани, халқини яхши кўриш, унга юксак даражаги ҳаёт шароитларини яратиш, зинҳор ўзининг баъзи ватандошларини қақшатиш ҳамда бошқа миллат ва халқларнинг манфаатларини пой-мол этиш ҳисобига бўлмаслик керак. Бу Макиавеллининг «мақсад воситани оқлайди» иборасининг бошқа томондан тушунишнинг, яъни салбий томонининг ёрқин ифодасидир. Аммо, Макиавелли ўзининг юқоридаги мулоҳазаси билан зинҳор бу даражадаги золимликни қилиш мумкин деган хулосани бермаган бўлса керак. Буни унинг «Шафқатсизликни, агар бир маротаба, унда ҳам фуқаролар манфаати учун қўлланилган тақдирда оқлаш мумкин, лекин фуқароларни эзиш учун доимий равишда қўлланилса, уни оқлаш мумкин эмас»⁷ мазмунидаги мулоҳазаси яққол тасдиқлайди.

Математика, геометрия ва физика фанларида муҳим илмий изланишлари билан тарихда қолган Рене Декарт ўзининг эътиборга молик фалсафий қарашлари билан фалсафий фикрлар таракқиётида ҳам ўчмас из қолдирган мутафаккирлардан бири ҳисобланади. Жамиятда кечаётган жараёнларга бефарқ бўлмаган «Декарт ўзининг бир нечта ахлоқий тартиб-қоидаларини

⁵ Салимов Б.Л. Философская роль диалектических категорий в жизни человека // Историческая психология и социология истории (historical psychology & sociology). – М., 2020. Т. 13. -№1. -С. 111-119.

⁶ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁷ Manba: kh-davron.uz. 31.03.2020. Санасида мурожаат қилинган.

баён этади. Улар асосида ўзининг ҳаётий принципларини қуради ва улар орасидан – ўз мамлакатининг қонунлари ва урф-одатларига итоат этишни, биринчи қоида деб атайди»⁸. Таъкидлаш керакки, Декарт томонидан илгари илгари сурилган ушбу ҳаётий принцип ҳамма даврларда, ҳам фуқаролар учун, ҳам давлат учун муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда унинг ўрни катта. Бу оддий халқ учун ҳам фойдали бўлган. Чунки ўз мамлакатининг қонунлари ва урф-одатларига итоатли бўлган фуқаролар давлат томонидан таъкиб остига олинмасдан, жамиятдаги тинч-осойишта турмуш тарзларини давом эттираверганлар.

Айтиш керакки, ҳозирги ижтимоий муносабатлар доирасида қонунлар ва урф-одатларга риоя этмаслик, асосан биз юқорида кўрсатиб ўтган иккинчи ва учинчи ҳолатларда учраб туради. Негаки бугунги кунда жаҳоннинг аксарият давлатларида демократик тузум ўрнатилган ва фуқаролик жамияти барпо этилган ёки шу мақсад йўлида ривожланишда давом этмоқда. Демак улардаги қонунлар ҳам халқаро андозадаги демократик талаблар асосида тузилган, урф-одатлари ҳам миллий, ҳам умумбашарий қадриятларининг уйғунлиги асосида шакллантирилган. Шундай экан, замондашларимиз ҳам Рене Декарт принциpidан андоза олиб яшашса мақсадга мувофиқ бўларди деб ўйлаймиз.

Ижтимоий муносабатларнинг юксалишини – жамият аъзоларининг маърифати, ақлий – интеллектуал салоҳияти, маънавий–маданий, сиёсий–ҳуқуқий саводхонлиги даражаси белгилаб беради. Кишилиқ жамиятининг ривожланиш тажрибалари бу хулосанинг тўғрилигини аллақачон исботлаган. Буни фалсафа илмида таниқли бўлган кўплаб мутафаккирлар фикр-мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Жюльен Офреде Ламетри бу борада шундай ёзади: «Сизлар ўзларингни қийнаб бўлсада маърифат тарқатиб, жамиятга хизмат қилинглар»⁹. Дарҳақиқат, маърифатнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти катта. Чунки, ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларини ўрганиш ва унга амал қилиш маърифат тарқатиш орқали амалга ошади. Ҳеч иккиланмасдан, ижтимоий муносабатларнинг ривожлантирувчи омиллар қаторига илм-маърифат тамойилини ҳам киритишимиз мумкин. Аслини олганда илм-фан, маърифатни таркибига кирувчи, унинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Фалсафада ҳам фаннинг ижтимоий муносабатларда тутган ўрнини ўрганадиган сциентизм¹⁰ ва антисциентизм каби замонавий йўналишлари мавжуд. Одамларга кўпроқ тушунарли бўлиши учун кўпинча илм-фан ва маърифат тушунчалари биргаликда, қўшиб ишлатилади.

⁸ Матвиевская Г.П. Рене Декарт (Люди науки). - М.: Просвещение. 1987. - С. 27-28.

⁹ Жюльен Офре Ламетри. Сочинения. - М.: Мысль, 1983. - С. 291.

¹⁰ Сциентизм (лот – sciehta – фан) мавжуд барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигини белгиловчи фалсафий дунёқараш, антисциентизм, фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш.

Ижтимоий муносабатларнинг моҳиятини ўрганиш ва ўргатиш маърифатнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Чунки, у ўз таркибига илм, фан, билим, тарбия, кўникма каби бир қатор тушунчаларни қамраб олган. Маърифат – халқни ўқимишли қилиш, фаннинг барча соҳаларини ўзлаштириш, техника ва рақамли технология ютуқларига эришиш ҳамда улардан реал ҳаётда халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалида, умуман иқтисодиётнинг барча соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда қўллаш, охир-оқибатда эса мамлакат тараққиётини юксак босқичга олиб чиқиш демакдир. Кўряпсизми, маърифатнинг кучи нақадар буюк¹¹. Бу кучни тўғри баҳолай олган ва ундан унумли фойдалана олганлар ҳозирда жаҳоннинг илғор давлатлари қаторидан ўрин олган. Мисол тариқасида, сизу биз билган Япония давлатини олайлик. Иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлган, иккита шахрига атом бомбаси тушган, ғолиб давлатларга катта товон тўлашга мажбур бўлган Япониянинг аҳволи 1945-1950 йилларда яхши эмас эди.

Ўзбекистон телеканалларида намойиш этилган «Ошин» телесериалида ва бошқа бадиий ва хужжатли кинофильмларида япон давлатининг ўша пайтдаги қоқлиги ва япон халқининг машаққатли ҳаёти яққол тасвирлаб берилган. Мана шундай мушкул вазиятда бўлган халқ ва давлат орадан ўттиз йил ўтар-ўтмас қоқлик ботқоқидан қутилиб, юксак ривожланиш даражасига чиқиб олди. «Panasonic», «Sony», «Toyota», «Nissan» ва яна бошқа кўплаб япон фирмалари, ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорини эгалладилар. Аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида, табиий равишда япон халқининг турмуш даражаси ҳам ошиб борди. Аҳолининг реал пул даромадлари кўпайиб, ҳаёт тарзи фаровонлашиб борди. Қисқа муддатдаги бундай ривожланиш жаҳон ҳамжамиятида «Япон мўжизаси» деган эътирофга сазовор бўлди. Ҳозирда ана шу япон мўжизасининг сир-синоатини, яъни муҳим омилларини ҳамма билади. Улардан энг асосийлари: ватанпарварлик, мақсад сари биргаликдаги ҳаракат, қонун устуворлиги ва албатта маърифатга бўлган умумдавлат аҳамиятидаги эътибордир. Бунда японияда ёшларнинг ўқишлари, мукамал таълим-тарбия олишлари ва барча фанларни қунт билан ўзлаштиришлари давлат даражасида назоратга олинди ва бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Бундай ёндашув ўз самарасини берди. Билимли, иқтидорли, қобилиятли, малакали ва интеллектуал салоҳиятли янги бир ёш авлод вакиллари етишиб чиқдики, улар ўша «Япон мўжизаси»ни яратишди, юксак техника-технологиялар асосидаги маҳсулотларни жаҳон аҳлига етказишди.

Хулоса. Шунда ўз-ўзидан савол туғилиши табиий. Хўп, қонунлар ва урф-одатларга бўйсуниб керакли, фойдали экан, нима учун ҳамма ҳам бу тартиб-қоидага амал қилавермайди. Давлат қонунларини бузадиганлар,

¹¹ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

жамият урф-одатларини инкор этадиганлар кимлар? Бу саволга, тўғри жавоб сифатида куйидаги бир нечта мулоҳазаларни келтириш мумкин:

биринчидан, давлатда ўрнатилган қонунларнинг адолатсиз бўлиши¹² ва шаклланган урф-одатларнинг эса маънан эскирганлиги. Бундай ҳолатлар кулдорлик, феодализм даврларида ва яқка ҳокимликка асосланган диктатура, мустабид тузумларда мавжуд бўлади;

иккинчидан, қонунлар ва урф-одатларга итоат этилишида ҳар хил ёндашувларнинг мавжудлиги. Масалан, кўпчилик учун мумкин бўлмаган нарса-ҳодисаларнинг бошқалар учун мумкинлиги. Ёки бошқача қилиб айтганда, қонунлар ва урф-одатларга буйсунмаганларнинг баъзиларига учун жазо бор, баъзилари учун эса йўқ;

учинчидан, мамлакатнинг қонунлари адолатли ва урф-одатлари ҳаммаси меърида, лекин, фуқаролар ҳар хил сабабларга кўра, баъзан ахлоқсизликдан, баъзан ҳуқуқий саводсизликдан, баъзан эҳтиётсизликдан, баъзан атайлаб ва бошқа сабабларга кўра итоат этишмайди.

References

1. Жюльен Офре Ламетри. Сочинения. - М.: Мысль, 1983. - С. 291.
2. kh-davron.uz.
3. Матвиевская Г.П. Рене Декарт (Люди науки). - М.: Просвещение. 1987. - С. 27-28.
4. Salimov B.L. Expression of Dialectic Categories in the Individual's Social Life // openaccessjournals. eu. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. Volume: 1, Issue 4, 2021. -P.16-18.
5. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
6. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.
7. Салимов Б.Л. Философская роль диалектических категорий в жизни человека // Историческая психология и социология истории (historical psychology & sociology). – М., 2020. Т. 13. -№1. -С. 111-119.
8. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.
9. Салимов Б.Л. Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимостей // Colloquium-journal. –v 2020. -№24 (76). Część 2. -С. 33-35.

¹² Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.